Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 2 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (13.175)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг жадал тараққий этиб, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва қут-баракани халқимиз аввалambор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Шу борада эл-юртимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2016 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват қилишга қаратилган кенг кўламли савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июнь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЛИЗИНГ БЕРУВЧИЛАР ВА СУҒУРТАЧИЛАР ФОРУМИ

Пойтахтимизда Суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича IX Тошкент халқаро форуми ҳамда VIII Тошкент халқаро лизинг форуми бўлиб ўтди.

"Saipro" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва лизинг берувчилар уюшмалари, Бош Араб суғурта федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумда вазирлик ва идоралар, суғурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, рейтинг агентликлари, халқаро молия институтлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари А.Ҳайдаров, Халқаро молия корпорациясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари З.Ҳошимов, Давлат суғурта назорати инспекцияси бошлиғи Ж.Ризаев, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси бош директори З.Мустафоев, "Saipro" ахборот-рейтинг агентлиги бош директори Б.Холбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётда босқичма-босқич изчил таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани, сифатли суғурта ва лизинг хизматлари кўрсатилаётгани, суғурта фаолияти ва назоратининг ҳуқуқий базаси такомиллашаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, суғурта ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, ташкилий-техник шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва мижозларга қулай жойларда суғурта хизматлари кўрсатувчи шохобчалар ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан аҳолига кўплаб замонавий турдаги суғурта хизматлари кўрсатилаётир. Суғурта ташкилотлари капиталлашув даражасининг оширилиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Суғурта компаниялари қутилмаган ҳодисалар оқибатида фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарларни қоплаб бермоқда. Булар аҳолининг суғурта хизматларига бўлган ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозорида фаол иш юритаётган "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўтган йили мамлакатимиз молия бозорида энг юқори халқаро рейтингга эга бўлди. "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги "Ўзбекинвест"нинг халқаро молиявий барқарорлик рейтингини "барқарор" прогнози билан B1 дан Ba3 га кўтарди. Мазкур компания 2015 йилги инвестиция дастурига киритилган 85 лойиҳага 16,2 триллион сўм суғурта ҳимояси тақдим этган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича 219,9 миллиард сўмлик мажбуриятларни қабул қилган.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан Тайлоқ тумани агротадбиркорлик коллежида "Яхши касб – етук мутахассис – муносиб иш ҳақи" лойиҳаси доирасида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини касбга йўналтириш, битирувчилар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● "Пойтахт" бизнес марказида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларидаги очиқ маълумотлар бўлими ва порталидан фойдаланиш ҳамда уларни ўқувчига содда шаклда етказиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Ғиждувон туманида Бухоро ва Навоий вилоятлари кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирокида "Ўзбекистон фермерлари – дунё эътирофида" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

● Фарғонада Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида спорт фестивали ўтказилди. Фарғона вилояти ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда 300 дан зиёд хотин-қиз иштирок этди.

● Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Ёш алангачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Шу кунларда бутун дунё астрономлари ноёб ҳодисани кузатишди — Марс сайёраси Ерга жуда ҳам яқинлашди. Ҳозирда Ердан Қизил сайёрагача бўлган масофа қуёшгача бўлган масофадан икки баробар камдир. Ҳаво очиқ пайтда Марсни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, олимлар Марс сайёраси юзасини ўрганишнинг ноёб имкониятига эга бўлишди.

● Кеча Индонезия қирғоқларида 6,2 балли зилзила содир бўлди.

● Францияда меҳнат кодексига ўзгартиришлар киритилишига қарши темирйўлчиларнинг иш ташлаши бошланди. Бугун унга энергетика соҳаси вакиллари ҳам қўшилишади — олтита атом электр станцияси ўз ишини тўхтатади. Таъкидлаш жоизки, темирйўлчиларнинг иш ташлаши Францияда 10 июнда бошланадиган футбол бўйича Европа чемпионати пайтида ҳам давом этиши мумкин.

1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа эксперт-лари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижроси яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ олдиндан барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида, қуйи палатанинг бир қатор қўмиталарида ҳукумат вакиллари, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Муҳокама ўтказилишидан олдин қўшимча материаллар ва маълумотлар сўраб олинди ҳамда мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий таклифлар билдирилди.

Куннинг биринчи ярмида депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижросини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, қўшимча маъруза билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов сўзга чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳисобот даврида Давлат бюджети мамлакатимиз парламенти томонидан илгари тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил январь ойидаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилганлиги иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлади.

(Давоми 2-бетда)

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида Корея Республикасининг "Lotte Mart" компанияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

"Lotte Mart" компанияси озиқ-овқат, кийимкечак, электр техникаси каби кенг турдаги маҳсулотлар савдоси ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Жанубий кореялик ишбилармонларга мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти, Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мазкур соҳаларга сармоя киритиш истиқболлари, қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди.

Меҳмонлар тўқимачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, озиқ-овқат соҳаларида фаол иш юритаётган бир қатор корхоналар ва фермер хўжаликларида бўлиб, маҳсулот етиштириш, сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш жараёни билан танишди.

– Ўзбекистондаги бир неча тўқимачилик компаниялари фаолияти билан танишиб, ушбу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, Ўзбекистондан Жанубий Кореяга тўқимачилик маҳсулотлари экспортини янада оширишга келишиб олдик, – деди "Lotte Mart" компаниясининг тўқимачилик саноати бўйича катта менежери Хонг Йен Бин. – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар, яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, экспортчи корхоналарга берилаётган имтиёзлар эътиборга молик.

– Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда, – деди Самарқанд шаҳридаги "Bofanda" масъулияти чекланган жамияти директори Азиз Аҳроров. – Маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришишда бундай учрашувлар жуда қўл келмоқда. "Lotte Mart" компанияси делегацияси билан корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини Корея Республикасига экспорт қилишга келишиб олдик.

Учрашувда Ўзбекистондан Корея Республикасига мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш бўйича қатор битимлар имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш – 6,8 фоиз, чакана товар айланиши 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми – 10,8 фоиз ўсди. Мамлакат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил этди, яъни прогноз параметрлари доирасида бўлди.

Эришилган натижалар, депутатлар фикрича, иқтисодиётда ижобий таркибий силжишларга, сифат ўзгаришларига ва ижобий тенденцияларга, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ўтказилишига хизмат қилди, булар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишига ёрдам берди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуши сифати ва даражасини муттасил ошириш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2015 йилда аҳоли жон бошига реал жами даромадлар 9,6 фоиз кўпайди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдори 21,9 фоиз ўсди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз сайловчиларининг манфаатларидан, партия дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг устувор йўналишлари бўлган кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш муҳимлигини таъкидлади. Мазкур соҳанинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56,7 фоизга ўсди. Бугунги кунда соҳада бутун саноат маҳсулотининг учдан бир қисми ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Соҳада ишда банд бўлган аҳолининг 77 фоизидан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Кейинги беш йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, бу ўз навбатида, ягона солиқ тўлови тушумларининг ўсишига олиб келди. Солиқ юкининг муттасил камайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари кўпайтирилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу иқтисодиётнинг кўпгина соҳалари ва тармоқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Сўзга чиққанлар иқтисодий муҳитни бозор талаблари асосида ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида юқори технологияли кичик саноат корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари таъкидлаб ўтдиларки, мелиоратив объектларни, шу жумладан, очиқ ва ёпиқ горизонтал дренажлар, мелиоратив насос станциялари ҳамда бошқа муҳим мелиоратив ва гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлаш, саноат миқёсида қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш, уни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг аъзолари партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифаларига таянган ҳолда, Давлат бюджети асосий параметрларининг ижросини таъминлашда иқтисодиётни ривожлантириш, диверсификация қилиш ва таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг “ўзбек модели” асосида бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантиришга, ишлаб чиқаришга янги, илғор технологияларни жорий этишга қаратилган изчил ислоҳотларга эътибор қаратилганлигини, бу эса жаҳон майдонида миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга кўмаклашаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари ва вазифалари тизимли равишда амалга оширилаётганлигидан, иқтисодиётнинг юксак ўсиш суръатлари таъминланаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг тарихий-меъморий, гуманитар меросини асраш ва сақлаш учун харажатларнинг ҳажмлари кўпайтирилди. Ана шу мақсадлар учун Давлат бюджетидан сарфланган маблағлар юртимиз маданий ва археологик мероси объектларини таъмирлаш ҳамда консервация қилиш бўйича дастурлар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Шу муносабат билан фракция депутатлари маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши устидан парламент назоратини кучайтиришга чақирди. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришга, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир тизимли чора-тадбирларни давом эттириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар Бюджет кодексининг қоидаларини амалга ошириш, молия интизомига риоя этилишини таъминлаш, мазкур соҳада бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчи ташкилотлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш масалалари юзасидан ҳам амалий таклифлар билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ҳукуматнинг диққат-эътиборида бўлганлигини қайд этди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларини Давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми умумий харажатлар ҳажмининг 58,8 фоизини ташкил этди.

Халқ демократик партияси депутатлари ўтган йилда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда фойдаланилганлигини, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси даромадлари шаклланганлигини ҳамда унинг харажатларидан самарали фойдаланилганлигини таъкидлади. 2015 йилда кадрларни қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва ишсизлик нафақаларини тўлаш йўли билан жамғарма маблағлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилган.

Айрим бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, депутатлар марказда ва жойларда бюджет маблағларининг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор тавсиялар билдирди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари фикрига кўра, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг тизимли равишда ижро этилиши натижасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши таъминланди, иқтисодиётнинг барча соҳаси ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратилди. Бунда Давлат бюджети профицит билан ва Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилди.

Илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги, бу эса мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлардан далолат бериши алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 2014 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 15,9 фоиз кўп маблағ ажратилди. Бунда тармоқлар бўйича давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштиришга 137,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришга, ноёб объектларни ва илм-фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаш харажатларига, илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга ҳам катта миқдорда маблағлар ажратилди. Бу партиянинг дастурий мақсадларига тўлиқ мос келиб, партия доимо илм-фанга эътиборни кучайтириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга ва кундалик ҳаётга фаол татбиқ этишни ёқлаб чиққан.

Фракция аъзолари давлат илмий-техника дастурларининг, соҳалар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг, шунингдек, инновацион ишланмалар дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштиришни янада мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билдирди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилганлигини таъкидлаб ўтди. Шу боис Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун атроф-муҳитни сақлашга қаратилган йўл танлаб олинган эди.

Мажлисда депутатлар гуруҳи аъзолари мамлакатимизда атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолади. Хусусан, 2015 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджети харажатлари 699,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилишга 18,6 миллиард сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга 7,1 миллиард сўм ва биохилма-хилликни сақлаш учун 7,3 миллиард сўм ажратилган.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Кунниг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда бошланган тизимли демократик ислоҳотларнинг ва модернизациялашнинг, иқтисодиётдаги, биринчи навбатда, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг сўзсиз давом эттирилиши, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг илдам ривожланиши ва ушбу соҳа субъектлари манфаатларининг ҳимоя қилиниши, макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворлиги бўлиши кераклиги қайд этиб ўтилди.

Мажлисда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижроси Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси асосида Олий Мажлис ва давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилганлиги таъкидланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи стратегиянинг амалга оширилишини давом эттириш ва бунинг учун иқтисодиётнинг мавжуд захиралари ва имкониятларини жалб этиш мамлакатимиз ЯИМининг 7,5 фоиз ошишини таъминлади. Бунда инфляциянинг паст даражаси макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 6,7 фоиз, хизматлар ҳажми – 12,1 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми – 12,8 фоиз ўсди.

Йил бошидан буён минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта якка тартибдаги янги, шинам уй-жойлар қурилиши бошланган.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат ҳисобот даврида 8,4 мингтадан ортиқ ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда 5,5 фоиз кўп янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган банк кредитлари ҳажми 2015 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баробар ошди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида 167,4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парвариш қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Дастур тадбирларини молиялаштириш учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча манба ҳисобидан қарийб 1,3 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди. Депутатлар жорий йилда Давлат бюджети кўрсаткичларининг барча давлат ва хўжалик органлари томонидан сўзсиз ва аниқ ижро этилиши заруратини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЕТУК ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи чорагида қилинган ишлар ва келгусидаги режалар борасида сўз юритилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг турли ёт ғояларга нисбатан иммунитетини шакллантириш, она юртига садоқатли, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида ўстириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида белгиланган режалар асосида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шу йилнинг биринчи чораги мобайнида таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари “Оила–маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги”, «Соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келади”, “Соғ танда соғлом ақл”, “Фарзандниг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари”, “Спорт инсон саломатлиги гарови” мавзуларидаги тарғибот материаллари ва 10 дан ортиқ маъруза матнлари билан таъминланди.

Бугунги кунга қадар “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва аҳамиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудидаги барча таълим муассасаларида, маҳалла гузарларида, кенг жамоатчилик иштирокидаги корхона ва ташкилотларда “Соғлом она ва бола – давлат эътибори ва эъзозида”, “Эрта турмушнинг олдини олиш”, “Соғлом авлод бу – аввало соғлом миллат дегани”, “Соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келади”, “Соғлом оила – бу соғлом жамият”, “Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилайлик” каби мавзуларда мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Бу борадаги ишлар Тошкент шаҳрида ҳам жадал олиб борилмоқда. Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фурқат Маҳмудхўжаевнинг айтишича, маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларини олиб бориш бўйича ходимлар малакасини оширишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда тарғибот ишларини олиб бориш, оммавий ва тармоқ веб-сайтлар орқали эзгуликка тарғиб этувчи мақолалар бериб борилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавиятли қилиб ўстириш, уларга тўғри тарбия бериш, соғлом фикрлайдиган, ёт ғояларга алданиб қолмайдиган, теран фикрли ва ватанпарвар бўлиб улғайишида тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Абдували СОДИҚОВ

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Юртимизда эл саломатлигини асраш, жисмонан соғлом авлод камолга етишига катта эътибор қаратилмоқда. Тиббиёт муассасаларидаги шарт-шароитлар, замонавий техника билан жиҳозланиши натижасида самарали муолажа усулларини қўллаш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди тиббий-ижтимоий маркази билан ҳамкорликда Олмазор политехника касб-ҳунар коллежида “Соғлом халқ, соғлом авлод буюк ишларга қодир” мавзусида ташкил этилган тадбирда шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, болаларни тўғри овқатланишга ўргатиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

— Қизларимиз тимсолида биз аввалambор бўлғуси оналар, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз, — дейди “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди мутахассиси С.Жамбекова. — Қиз бола соғлом бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш фарзанд ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият соғлом ва бахтлидир. Фарзанд саломатлигига у туғилмасданоқ қайғуриш лозим. Шунинг учун ҳозирда юртимизда ҳомиладор аёлларга жуда катта эътибор қаратилаяпти. Республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларида ҳомиладор аёлларимиз учун бепул ва сифатли тиббий кўриклар ҳамда скрининг марказлари фаолият юритмоқда.

— Биз бу тадбирдан ўзимизга керакли бўлган маълумотларни олдик, — дейди Олмазор политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ислом Ғаниев. — Юртимизда янги ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёш давлат эътиборида. Биз, ёшларга кўплаб имкониятлар яратилаётган экан, улардан самарали фойдаланишимиз, бунга муносиб жавоб сифатида юртимиз довруғини бутун дунёга таратишимиз лозим.

Ҳақиқатдан ҳам келажак ёшларини соғлом ва баркамол инсон қилиб вояга етказиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифадир.

Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИЛАР ВА СУҒУРТАЧИЛАР ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йилда мамлакатимизда 90 ташкилот, жумладан, 24 банк лизинг хизматлари кўрсатди. Лизинг операцияларининг умумий портфели 2,45 триллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 14,4 фоизга ўсган. Ўтган йили Ўзбекистон лизинг берувчилари томонидан қиймати 850 миллиард сўмликдан зиёд 5,6 мингдан ортиқ янги лизинг битимлари тузилди.

Анжуманда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани, суғурта бозорининг барқарорлиги ва ишончлилиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Лизинг кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш ва унинг асосида ихчам ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағ сарфлашнинг самарали механизми экани қайд этилди. Макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Форум иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, суғурта ва қайта суғурталаш борасида олиб борилаётган ишлар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги қўшма лойиҳалар билан таништирилди.

– Ташкилотимиз бизнеснинг барча соҳаларидаги хавфларни қайта суғурталаш билан шуғулланади, – деди “Hannover” компанияси суғуртачиси Йоханн Фукс (Германия). – Ўзбекистон суғурта бозори жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мазкур форум ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у суғурталаш ва қайта суғурталаш бозорини ривожлантириш бўйича дунё мамлакатлари олимлари ва соҳа мутахассислари билан фикр алмашиш, бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш имконини беради.

– Ўзбекистон билан бир неча йилдан буён фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, – деди “ICD” корпорацияси департамент директори Арифф Ҳасан (Саудия Арабистони). – Мамлакатингиз билан хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Ўзбекистон сармоя киритиш учун жуда қулай мамлакат. Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳавас қиларли даражада барқарор ривожланмоқда. Шу боис ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, қўшма лойиҳаларда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда барча соҳалар қатори банк-молия йўналишида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилаётганини қайд этди. Сўнгги йилларда “Moody’s”, “Standard & Poor’s” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз банк тизими фаолиятини “барқарор” деб тасдиқлаётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

– Мазкур форумда мунтазам иштирок этиб келаман, – деди Молиявий компаниялар уюшмаси бош котиби Адриана Ачиарлиу (Руминия). – Анжуман лизинг, суғурталаш ва қайта суғурталаш борасидаги тажрибаларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзбекистонда ушбу тармоқларни барқарор ривожлантиришда эътибор қаратилаётган жиҳатлар ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган чоралар билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Форум доирасида “Alskom” суғурта компанияси фаолиятига бағишланган анжуман



Темур Мамадаминов олган суратлар

бўлиб ўтди. Ўзбекистон ахборот-коммуникация субъектлари фаолиятини ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида 20 йил муқаддам ташкил этилган мазкур компания ўтган давр мобайнида иқтисодий ва молиявий хавфсизликни таъминлаш борасида соҳага оид корхона ва ташкилотларнинг ишончини тўла қозонди. Компания Ўзбекистон бозорида биринчилардан бўлиб суғурта полисларининг мобиль банкинг тизими орқали онлайн сотуви бўйича “eshop.alskom.uz” электрон дўконини ишга туширди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суғурта хизматлари бозори изчил такомиллашиб, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда, – деди “Alskom” суғурта компанияси бош директори Тоҳиржон Иминов. – Ҳозирги кунга келиб компаниямиз активлари 43 миллиард сўмга етди, шакллантирилган устав капитали 3,8 миллион еврони ташкил этмоқда. 2016 йил январь ойи ҳолатига кўра, компаниямиз инвестиция маблағлари ҳажми 36 миллиард сўмдан ошди. Ташкилотимиз ахборот-коммуникация субъектлари фаолиятини суғурталашдан ташқари, аҳолининг турли қатламларига ижтимоий суғурта хизматлари кўрсатмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон суғурта бозорининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари, лизинг ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар, миллий ва халқаро суғурта бозорларидаги замонавий тенденциялар, дунё мамлакатларида суғурталаш турлари, лизинг бизнесини бошқариш бўйича миллий ва хорижий тажриба, мазкур соҳаларнинг сармоявий салоҳиятига оид масалалар муҳокама этилди.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан Корея Республикаси Суғурталашни ривожлантириш институти ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими бош бошқармалари, Адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Қизил ярим ой" жамияти шаҳар бўлимлари ва туман ҳокимликлари ҳамкорлигида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида минг нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун байрам тадбири уюштирилди.



БОЛАЛИКНИНГ БАХТИЁР ДАМЛАРИ

Давлатимиз томонидан ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран тафаккурли, жисмонан ва маънан етук инсон этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, фестивалллар, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар учун маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, тарихий обидалар, ботаника ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар ташкил этилаётир. Бу каби тадбирлар болаларнинг билимини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб жорий йилнинг 28 май – 3 июнь кунлари "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида махсус ҳафталик ўтказилмоқда.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда болаларимизнинг бахтиёрлиги ва баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни санаб адоғига етиш қийин, — дейди Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси Дилобар Раҳмонова. — Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунларда бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида ёшларимиз мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўлим боғнинг кираверишида болажонлар ва ота-оналарни эртак қаҳрамонлари чорлаб, карнай-сурнай садолари жаранг сочди. Боғнинг очиқ саҳнасида махсус байрам дастури, ёш санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди. Тадбир давомида "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказининг кўргазмалари, Ўзбекистон давлат цирки томошалари, Республика кўғирчоқ театрининг чиқишлари ташкил этилди.

Боғнинг кичик саҳнасида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" юзасидан соҳа мутахассислари ҳамда мазкур соҳада таълим олаётган ўқувчилар иштирокида викторина ўйинлари ўтказилди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги рақс дасталари, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказларининг истеъдодли ўғил-қизлари томонидан дилбар рақслар ижро этилди. Болажонларнинг дилини шод этиб, қувончига-қувонч қўшган байрам тадбирида бадиий гимнастика, шарқ яккакураши чиқишлари, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари, "Отам, онам ва мен" мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

— Биз учун шундай байрамни ташкил этган ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирамиз, — дейди Учтепа туманидан келган Лола Мустафақулова. — Биз боғда нафақат байрамни нишонлаш, балки ўз истеъдодимизни ҳам намоён этиш имконига эга бўлдик. Расм чизишга ёшлигимдан қизиққанман. Боғда тенгдошларим билан биргаликда расм чизиш бўйича танловда иштирок этдик. Бу эса менда катта таассурот қолдирди.

— Саҳнада рақс тушаётган, қўшиқ куйлаётган, боғда спорт бўйича маҳоратларини намоён этаётган акаопаларимни кўриб, мен ҳам тезроқ катта бўлишни, уларга ўхшашни жуда хоҳлардим, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Сардор Абдураҳмонов. — Бугунги байрам анча вақтгача ёдимдан кўтарилмайди.

Ҳафталик доирасида Тошкент шаҳридаги барча туманларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар, "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари тарбияланувчиларининг ҳар бирини қамраб олган ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда.

— Болаликнинг ширин дамларини эслаш инсонга кўтаринки кайфият бағишлайди, — дейди чилонзорлик уй бекаси Сарвиноз Мавлонова. — Ҳар йили икки қизим: Мубинахон ва Ҳанифахонлар билан боғдаги байрамга келамиз. Бу йилги байрам ўзгача тарзда нишонланмоқда. Атрофдаги болаларга боқиб, улар қувончига шерик бўлаётган ота-оналарга ҳавасингиз келади. Жаранг сочган куй-қўшиқларга болажонларим мириқиб рақсга тушишди.

Барча викторина ва танловлар ғолиблари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

МЕН — МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДИМАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун қулай шароит яратиш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир.

Тадбир доирасида Ички ишлар вазирлиги ходимларининг фарзандлари иштирокида байрам концерти ўтказилди. Улар ватанпарварлик, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар, миллий ва замонавий рақслар ижро этди. Энг ёш иштирокчилар спорт ва гимнастика бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Ёш рассом Мадина Ғуломқодировани кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Ота-онам билан фахрланаман, – дейди ЎзА мухбирига Мадина. – Негаки, улар ўз ҳаётини Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилиш, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга бағишлашган. Жорий йилда Республика ихтисослаштирилган санъат мактабини битираман ва касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттирмоқчиман.

Тадбир доирасида "Оила – муқаддас даргоҳ: ота-оналар ўзаро муносабатининг фарзанд тарбиясига таъсири" мавзусида семинар ўтказилди.

Р.БОНДАРЧУК

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Кутубхона қошидаги Чет тилларини ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази томонидан ташкил этилган тадбирга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ота-она қарамоғисиз қолган ва имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг соғлиғи, манфаатларини муҳофаза қилиш борасида тизимли чора-тадбирлар кўрилаётир.

Тадбир давомида зукколикка чорловчи "Заковат" савол-жавоб ўйини ўтказилди. Унда олти жамоа турли фанлар бўйича беллашди. Топқирлик, тезкорлик, мантиқий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилувчи "Эрудит" ўйини, расм чизиш танлови болаларнинг қобилиятини синовдан ўтказди.

Ғолиб жамоа ва фаол иштирокчиларга совғалар топширилди. Болалар гуруҳлари ижросида концерт намойиш этилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Баркамол авлод нафақат ақлан етук, балки жисмонан тетик ва соғлом авлоддир. Ана шундай етук ва баркамол авлоднинг саломатлиги эса у яшайдиган муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги айни дамда ҳеч биримизга сир эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аҳоли саломатлигининг 40-50 фоизи унинг ҳаёт тарзидан келиб чиқиб белгиланар экан. Зарарли одатларни ўзлаштириш, овқатланиш тартибининг издан чиқиши ва экологик муаммоларнинг авж олиши инсон организмида турли касалликларнинг илдиз отишига сабаб бўлмоқда. Бу борада, энг аввало кишилар онгида экологик қарашлар ва экологик тарбияни қарор топтириш зарур.

Шундай экан, фан ва техника тараққий топаётган ҳозирги замонда ҳавоси нафас олиш учун бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолган жойлар ҳам мавжудлиги касалликнинг янги турларининг келиб чиқишига асосий туртки бўлмоқда. Яъни, инсон ва табиат ўртасида вужудга келаётган мураккаб вазиятлар, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фан-техниканинг жадал суръатлар билан илгарилаб бораётганлиги, аҳоли сонининг кун сайин ортиб бориши, атроф-муҳитнинг табиатга таъсири бевосита ва билвосита кучайиши экологик вазиятни ҳам издан чиқариб, қарши таъсир ўрнига ўтиб қолишига сабаб бўлиб қолмоқда. Натижада табиий ландшафтларнинг хусусиятлари тубдан ўзгариб, антропоген ландшафтларнинг вужудга келиш имконияти туғилди. Табиатнинг ўзгартирилиши ва ўзлаштирилиши табиийки, унда кечадиган ҳодиса ва жараёнларни ҳам кескин ўзгартирди ва оқибатда уларнинг инсон саломатлигига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсир доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, транспорт воситаларида этил бензин (таркибида тетратил қўрғошини бор) ишлатилганида моторда нефт маҳсулотлари чала ёнса, атмосферага албатта қўрғошин бирикмаси каби қатор зарарли газлар ажралиб чиқади. Бу атроф-муҳитга шунчалик қирон келтирадики, оқибатда ҳар йили бир неча ўн минглаб экинзорлар эррозияга учраб, қишлоқ хўжалигига зарар келтиради. Ваҳоланки, бир кунда бутун дунёда миллиондан зиёд турли ҳажмдаги автоуловлар ҳаракатланади. Ана шу миллионларча автомобиль, трактор, самолёт, тепловоз ва бошқалар двигателлари ҳаводаги мавжуд кислородни "еб" эвазига ис гази ва бошқа газлар билан ифлосланираётганига нима дейсиз? Тадқиқотлар натижасида йилига атмосфера ҳавосига 220 млн. тонна миқдорида турли зарарли омиллар сингиб кетиши аниқланган.

Ҳар бир инсон соатига ҳаводан 23 литр кислород олиб, атмосферага 20 литр карбонад ангидриди чиқаради. Яшил дарахтларнинг карбонад ангидриди олиб, O_2 чиқаришини ҳисобга олинса, бугунги кунда уларнинг сони йилма-йил камайиб бораётганлиги жуда ачинарли ҳолатга айланади.

Экологик суғуртанинг бош мақсади ҳам атроф-табиий муҳитни ифлослантириш натижасида етказиладиган зарарни компенсациялаш ҳамда барча тарафлар манфаатларини инобатга олган ҳолда экологик ҳавфсизликни қўшимча кафолатлашдан иборатдир.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг жиддий тус олаётганлигини мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида таъкидлаб ўтган фикрлари тасдиғи билан ҳам яққол идрок этиш мушкул эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланиши, Экологик ҳаракатга катта ишонч ва юксак ваколат берилишининг муҳим шарти – глобал муаммо ҳисобланган экология бузилишининг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмини жорий этишдан иборат эканлиги унда ўз аксини топгандир.

Шундай экан, табиатнинг энг муҳим бўлаги бўлган инсонлар саломатлигини бедахл сақлаш, юксак тамаддуннинг илғор ғоялари, фан-техника ютуқларини фақат бир томонлама фойда келтирадиган қилиб эмас, балки жамият ва табиат ўртасида кўринмас занжирни мустаҳкам сақлаш баробарида, даставвал, атроф-муҳитнинг борган сари ёмонлашишига қарши жамиятнинг барча аъзолари ер юзидаги экологик ҳолатни яхшилаш ва соғлик аталмиш бебаҳо бойликнинг шаффофлигини сақлаб қолиш учун бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилмоғи даркор.

Хуршида ХАЛИЛОВА,
Тошкент Молия институти доценти,
Рустам БОТИРОВ,
талаба

Тадбирлар

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейида "Тинчлик – энг олий неъмат" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларнинг замонавий билим, касб-ҳунарни пухта эгаллаш билан бирга онги, қалбида Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига ҳурмат туйғуларини сингдиришнинг аҳамияти, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш, бугунги тинч ва осуда кунларнинг қадрига етиш лозимлиги хусусида сўз юритилди.

Тадбирда ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тайёрланган "Тинчлик – энг олий неъмат" номли фильм намойиш этилди.

Бугунги кунда турли давлатларда юз бераётган нотинчликлар диний экстремистик ва хунрезликларга қарамай, юртимиз осмони мусаффо, турмушимиз фаровон. Тинчлик-хотиржамликни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тадбир давомида ёшлар ўртасида ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар, ёшларни диний экстремизм, терроризм сингари бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан асраш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг аҳамиятига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зарина РУСТАМОВА

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясида давлат статистика органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати давлат статистика органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.

Унда, Давлат статистика қўмитасининг "2016-2017 йилларда давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар режаси"да белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича батафсил ахборотлар берилди.

Жумладан, давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартиб-қоидалари, афзалликлари, бу борада ҳисобот тақдим этувчилар учун яратилган имкониятлар ва қулайликлар, давлат статистика тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, давлат интерактив хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда бунда фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, давлат статистика органлари фаолияти билан боғлиқ очиқ маълумотларни ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш, жисмоний ва юридик шахсларга маълумотлар тақдим этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар етказилди.

Шунингдек, давра суҳбатида, давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари томонидан маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, статистика органларининг расмий веб-сайтларидан статистик маълумотларни олиш тизимини янада кенгайтириш масалалари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.







Ислом Исмоилов олган суратлар

Болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш, ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, янги ўқув йилида фанларни пухта ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ёз — 2016

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ўқувчиларнинг жорий йилги ёзги дам олиш мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2016 йилги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишларини янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув-услубий семинарлар ўтказилди. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, малакали кадрларни жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Барча турдаги оромгоҳлар махсус тавсиялар, услубий қўлланмалар, болалар учун мўлжалланган фильмлар, қўшиқлар ва шеърлар тўпламидан иборат дисклар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун сценарийлар билан таъминланди. Касаба уюшмалари федерацияси томонидан мавсумга тайёргарлик ишлари мониторингини олиб борувчи Республика штаби фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, барча ишлар мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиздаги 1 минг 204 оромгоҳда 292 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Ёз мавсуми давомида барча ҳудудларда интеллектуал ривожлантириш, экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ижтимоий мослашув бўйича ихтисослаштирилган оромгоҳлар ташкил этилади. Ўсмирлар учун меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

Дам олиш масканларида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг туну кун навбатчилиги ташкил этилади.

Ўқувчилар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида оромгоҳларда малакали шифокор ва ҳамшираллар, санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари тиббий хизмат кўрсатиши белгиланди. Тез тиббий ёрдам машиналари бириктирилиб, ҳар бир оромгоҳни белгиланган миқдорда дори-дармонлар, махсус дори воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Оромгоҳларга етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши ҳам қатъий назоратга олинади. Барча оромгоҳлар зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати натижасида оромгоҳларда болаларнинг барчаси имтиёзли дам олади. Ота-оналар ўзлари меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси орқали йўлланма нархининг ўртача 30 фоизини тўлайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига бепул йўлланмалар ажратилиши режалаштирилган. Бундай имтиёздан бу йил жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг 40 мингдан ортиқ фарзанди фойдаланади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар бола Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг сўлим масканларида ҳордиқ чиқаради.

Меҳрибонлик уйларининг 2 минг тарбияланувчиси, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган бола Касаба уюшмалари федерацияси томонидан бепул дам олдирилади. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар фарзандини бепул соғломлаштириш режалаштирилган.

Айни пайтда касаба уюшмалари тизимидаги "Турон", "Чинобод", "Ботаника", "Бўстон", "Оқтош", "Косонсой", "Чортоқ", "Чимён", "Зомин" ва "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийларида "Она ва бола" йўлланмалари асосида 2400 нафардан ортиқ бола ота-оналари билан бирга дам олади.

Мактаблар, академик лицей ва коллежлар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этилади. Уларда болаларни кун давомида дам олдириш билан бирга турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Маданият ва истироҳат боғлари, меъморий обидалар, музейлар, ҳайвонот боғларига саёҳатлар уюштирилади.

Оромгоҳларда махсус дастурлар асосида кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилиб, турли йўналишдаги, жумладан, чет тилларни ўргатиш бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади. Барча оромгоҳлардаги кутубхоналар бадиий адабиётлар, зарур жиҳозлар, плакатлар, баннерлар билан таъминланди.

Оромгоҳларда адиблар, шоирлар, рассомлар билан учрашувлар ўтказилади. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, акциялар уюштирилиши кўзда тутилган. Улар орқали истиқлол йилларида турли соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, ёш авлод камолоти йўлидаги меҳр-эътиборнинг мазмун-моҳияти болалар онгига сингдирилади. Бу борадаги изчил ишлар самарасида болалар ёзги таътилни мазмунли ва марокли ўтказади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Тошкент автомобиль-йўллари институти қошидаги Учтепа академик лицейи	Учтепа тумани, 31- мавзе, 295-мактабнинг ёнида
2	Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, 20-мавзе, 35а-уй
3	Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей	Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси, 101-А уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда рахбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш Марказига ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилинади:

— ўқитувчи (педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар) – 1 ўрин;
— ўқитувчи (педагогика ва психология) – 1 ўрин;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

— Марказ бошлиғи номига ариза;
— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— олий маълумот тўғрисидаги диплом ва унинг нусхаси.

Қатнашувчиларда илмий даража ёки илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари керак. Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2-уй. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳудудидаги Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш Маркази.

Телефон: 267-14-68

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш хамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Хонадонларда содир бўлган ёнғинларга ҳам кимларнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги сабаб бўлмоқда.

"101"

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Таҳлиллар ва кузатишлар натижасига кўра Бектемир туманида жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида 11 та ёнғин содир бўлиб, 5 таси аҳоли турар жой биноларига тўғри келади. Фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳар ким ўз вақтида хулоса чиқариб олмаётганлиги эса янада таажжубли ҳолдир.

Газ ва электр тармоқларидаги носозликка ўз вақтида аҳамият бермаслик оқибатида ёнғин келиб чиқишини фуқаролар ёддан чиқармасликлари, улар ўз хонадонларидаги электр симлар, газ қувурлари ёки плиталардаги техник талабга жавоб бермайдиган ҳолатни кечиктирмай тузатиб олишлари керак. Шу вақтгача содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келганлиги туфайли ҳам фуқаролар орасида тарғибот ишини кучайтириш, бу ишларга жамоатчиликни кенг жалб этиш муҳимдир. Бу борада Бектемир тумани ҳудудида жойлашган маҳалла, таълим ва тиббиёт масканларида туман ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан учрашувлар ўтказилмоқда. Ахир "Кўза кунда эмас, кунида синади" дейдилар. Яъни, ёнғин кунда бўлмасада, кунида содир бўлиб турган экан, унинг омилларини бартараф этишда фуқаролар фаоллигини ошириш катта аҳамият касб этади. Кўза ҳам синмасин, кўзагар ҳам куймасин. Бошқача айтганимизда, ҳеч кимнинг уйида ёнғин бўлмасин, хонадон соҳиби ёққан чироқ яхшиликка хизмат қилсин.

Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Спорт янгиликлари

МУСОБАҚА ТАҚВИМИ ТАСДИҚЛАНДИ

Осиё футбол конфедерацияси 13 — 30 октябрь кунлари Баҳрайнда бўлиб ўтадиган 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати тақвимини тасдиқлади.

Баҳрайн мезбонлик қиладиган мазкур мусобақа баҳслари 13 октябрь куни "А" гуруҳидаги икки учрашув билан старт олади. Унда мезбон — Баҳрайн ёшлар терма жамоаси Саудия Арабистонига қарши майдонга тушса, яна бир ўйинда Таиланд Жанубий Корея билан куч синашади.

"D" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса турнирдаги иштирокини 15 октябрь куни қўшни Тожикистонга қарши ўйин билан бошлайди. Иккинчи турда Жасур Абдураимов шогирдлари Австралия, гуруҳ босқичи сўнгги турида Хитой билан беллашади.

Маълумот ўрнида, мусобақа ўйинлари "Khalifa Sport City Stadium" ҳамда "Bahrain National Stadium" стадионларида бўлиб ўтади. Ҳамюртларимиз гуруҳ босқичи учрашувларини "Khalifa Sport City Stadium"да ўтказади.

Қозоғистонда бокс бўйича аёллар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Мафтуна Мелиева мухлислар олқишига сазовор бўлди.

БОКСЧИМИЗ ОЛҚИШГА САЗОВОР БЎЛДИ

19 ёшли боксчимизга қуръа тажрибали чарм қўлқоп устаси — швейцариялик Сандра Бруггерни рўбарў қилди. Ҳамюртимиз ҳали анчайин ёш бўлишига қарамай жаҳон чемпионати кумуш медаль совриндорига жиддий қаршилик кўрсатди. Бироқ, тажриба ва маҳорат барибир ўз сўзини айтди.

Мафтуна гарчи кичик ҳисобда енгилган бўлса-да, интилиши, иқтидори ва ҳаракати учун мухлису мутахассислар ҳурматини қозонди.

Андижон шаҳрида ўтказилган халқаро теннис турнирининг қизлар мусобақасида маҳоратли теннисчимиз Сабина Шарипова барча рақибларини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

ТЕННИСЧИМИЗ БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ

Сабина финал йўлида Сарвиноз Саидхўжаева, ҳиндистонлик Наташа Палха, Анкита Раина, украиналик Вероника Капшай каби кучли теннисчилар устидан зафар қучди.

Ҳамюртимиз финалда россиялик Вероника Кудерметова билан рақобатлашди. Вероника ўзбек теннисчисига фақат биринчи сетда қаршилик кўрсата олди, холос. Учрашувда 7:5, 6:0 ҳисобида рақибасидан устун келган теннисчимиз турнир ғолибаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бу Сабина Шарипованинг жорий мавсумда қўлга киритган иккинчи совринидир. Тажрибали спортчимиз февраль ойида Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирда ҳам ғалаба қозонган эди.

Ботир ХЎЖАЕВ

КУТИЛГАН УЧРАШУВ, КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича мамлакат XXV миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги 10-тур баҳслари якунига етди.

Пойтахтимизда олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоаси Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси билан куч синашиб 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қизиқарли, муросасиз кечган беллашувда дарвозаларга голларни "Обод" жамоасидан — Норхонов (2 та), "Сўғдиёна"дан — Рашидов киритишди. Ушбу ғалаба пойтахтимиз жамоаси "Обод"нинг олий лигадаги дастлабки ғалабасидир.

Шунингдек, 10-турда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Пахтакор" ўз майдонида Фарғонанинг "Нефтчи" клубини қабул қилди. Шуниси эътиборлики, 2001 йилдан бери "Пахтакор" ўз майдонида фарғоналикларга бирон марта мағлуб бўлмаган эди. Аммо, бу сафар мезбонларга нисбатан яхшироқ ўйин намойиш этган меҳмонлар 1:2 ҳисобида зафар қучиб, Тошкентдан 3 очко билан Фарғонага қайтишди. "Пахтакор"дан Ж.Машарипов, "Нефтчи"дан М.Бобожонов, И.Исроилов голларга муаллифлик қилишди. Ушбу мағлубият "Пахтакор"нинг чемпионлик учун курашдаги имкониятини анча пасайтириб юборди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Насаф" — "Бунёдкор" — 1:1, "Олмалиқ" — "Машъал" — 1:0, "Бухоро" — "Навбаҳор" — 3:2, "Қизилқум" — "Металлург" — 1:1, "Андижон" — "Шўртан" — 1:3, "Қўқон-1912" — "Локомотив" — 1:3.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 июнь** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тўпланиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ